

## «РАВЗАТ УШ-ШУҲАДО» АСАРИДА БАДИИЙ ТАСВИР ВА ИФОДА ВОСИТАЛАРИ: ЭЛЛИПСИС, АПОКОПА, СИНКОПА

**Саидмурод Холбеков**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси

[s\\_xolbekov79@mail.ru](mailto:s_xolbekov79@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адабиётшуносликдаги стилистик фигуралар қаторига кирувчи эллиптик ҳодисаларнинг апокопа, синкопа каби турларининг ўзбек классик адабиётида, хусусан, Собир Сайқалининг “Равзат уш-шуҳадо” асарида қўлланилиши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Калит сўз ва иборалар:** бадиий тасвир ва ифода воситалари, эллиптик ҳодисалар, эллипсис, апокопа, синкопа, стилистик фигура, синтактик сатх, мантикий урғу, тавтология, ҳижо, бадиий-эстетик мақсад.

### MEANS OF ARTICAL IMAGE AND EXPRESSION IN "RAVZAT USH-SHUHADO"

**Saidmurod Kholbekov**

Teacher of the Department of Uzbek language and literature

Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

### ABSTRACT

This article analyzes the use of such types of elliptical phenomena in Uzbek classical literature, in particular, in the work of Sabir Sayqali "Ravzat ush-shuhado", which are among the stylistic figures in literature.

**Keywords:** means of artistic image and expression, elliptical phenomena, ellipsis, apocopa, syncope, stylistic figure, syntactic level, logical emphasis, tautology, hija, artistic-aesthetic purpose.

### КИРИШ

Бадиий асарда нарса-ҳодисаларни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга ихзмат қилувчи тил воситалари сифатида бадиий тасвир ва ифода воситалари тилга олинади. Унга кўра, адабиётшуносликда ушбу тушунча турли номлар билан юритилади: фигуралар, синтактик фигуралар, стилистик фигуралар, тилнинг поэтик воситалари, тилнинг бадиий-тасвирий воситалари, тасвирий воситалар, ифодавий-тасвирий воситалар шулар жумласидандир. Аввало, тилнинг бадиий тасвир ва ифода воситаларининг

ишлатилиши билан белгиланмайди, улар ишлатилмаган ҳолда ҳам бадиий тилнинг бош спицифик хусусиятлари образлилик (тасвирийлик) ва эмоционаллик мавжуд бўла олади: бадиий тасвир ва ифода воситалари мазкур хусусиятларни кучайтириб намоён этишга хизмат қилади. Иккинчидан, бадиий адабиёт сўз воситасида тасвирлайди (образлилик), айти пайтда, бадиий адабиётдаги тасвир қуруқ эмас, у ҳис-туйғуларга йўғрилган (эмоционал)дирки, шу тасвир орқали муайян ўй-фикр, ҳис-кечинма ҳам ифода этилади. Яъни битта воситанинг ўзи ҳам тасвир, ҳам ифодага хизмат қилади. Демак, бу воситаларнинг буниси тасвир, буниси ифода воситаси деб ажратиш тўғри бўлмайди. Шу билан бирга, мазкур воситаларни бадиий тасвир воситалари дебгина юритиш ҳам маъқул эмас: айрим воситалар (масалан, такрорлар, риторик сўроқ, риторик муружаат, эллипсис, жим қолиш ва бошқалар) борки, улар ифодавийликни кучайтиришга хизмат қилади. Яъни, улар бадиий тасвир воситалари атамаси қамрови доирасидан четда қолади. Шу сабабли ушбу тушунча бадиий тасвир ва ифода воситалари тарзида аталгани маъқул эканлиги таъкидланади “Адабиётшунослик луғати”да [1, 52-53].

“Адабиётшунослик луғати”да яна шундай дейилади: “Бадиий тасвир ва ифода воситалари тилдан фойдаланишда муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаб умумодатий нормадан оғиш (яъни тил унсурларини одатдагидан ўзга шакл, маъно, тартиб, муносабат ва шу кабиларда қўллаш) натижасида юазга келади ва тасвирнинг жонли, ифоданинг таъсирли бўлишига хизмат қилади. Бу хил оғишлар тилнинг турли сатҳларида – фонетик (аллитерация, ассонанс), морфологик (асиндетон, полисиндетон), лексик (архаизм, диалектизм, жаргон), семантик (троплар), синтактик (инверсия, сўз такрори, синтактик параллелизм, эллипсис, хиазм) сатҳларда кузатилиши мумкин” [1, 267].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабиётшунослик, хусусан, поэтика масалалари бўйича жуда кўп олимлар тадқиқот ишлари, асар ўқиш жараёнидаги бевосита кузатишлар олиб борганлар. Бунда фалсафа фанидан эндигина ажралиб чиққан даврлардан Аристотельдан тортиб ҳозирги кунда поэтик мушоҳада юритаётган бошловчи тадқиқотчигача шулар жумласига қўшиш мумкин. бу борада хорижий олимлар: Рене Уэллек, Остин Уоррен, Александр Квятковский, Леонид Тимофеев, Геннадий Поспелов, ўзбекистонлик олимлар: Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Ҳамид Сулаймонов, Ғулом Каримов, Иззат Султон, Натан Маллаев, Азиз Қаюмов, Матёкуб Қўшжонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Баходир Каримов, Узок Жўрақулов, Дилмурод Қуроноф каби олимларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бироқ, эллиптик ҳодисалар сингари бадиий тасвир ва ифода воситаларидан бўлган апокопа, синкопа кабиларни алоҳида

тадқиқ қилиш ва унинг бадиий матндаги ўрни ва аҳамияти, умуман, ушбу ҳодисаларнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрнини белгилаб берувчи кузатувлар етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқотимиз мавзусини белгилаб беради.

Тадқиқот ишида таҳлилий-статистик, қиёсий-ретроспектив, тавсиф ва таҳқиқ каби методлардан фойдаланилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

“Адабиётшунослик луғати”да эллипсисга қуйидагича таъриф берилади:

Эллипсис (юн. *elleipsis* – тушириш, тушиб қолиш) – стилистик фигуралардан бири, нутқда жумла таркибида сўз (бўлак)ни атайин тушириб қолдириш. Яъни, эллипсис муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошади, иккинчидан, сўз (бўлак) тушириб қолдирилса-да, унинг борлиги назарда тутилади ва англашилиб туради. Ўзбек шеъриятида кўпроқ бош бўлақлардан бирининг туширилиб қолдирилиши ҳисобига воқе бўлувчи эллипсислар кузатилади.

Мас.:

Булбулларми?! Етар!

Гулларми?! Бўлди!

Сўз навбати – юракка...

Келтирилган парчада кесим (берилади) туширилиб қолдирилган ва, натижада, “юракка” сўзи мантиқий урғу олади, шеърнинг дастлабки мисраларидаги оҳанг шиддатининг сақланишига эрилишади [1, 359].

“Бадиият луғати”да эллипсисга қуйидагича таъриф берилади:

“Эллипс, эллипсис (юнонча. йўқотиш, ташлаб юбориш) - бу лингвистик атама, осонликча шама қилинган ҳар қандай сўзнинг сўз бирикмасидаги бўшлиқ. Эллипсис кундалик ва шеъринг нутқда кенг тарқалган ҳодисадир.

Эллиптик предикат кесим билан ифодаланадиган шундай синтактик конструкцияларни ҳам ўз ичига олади” [2, 351].

“Равзат уш-шуҳадо” асарида баъзи бир эллиптик ҳодисалар учраб туради.

Йўлуқти бир канизе йўлда онгоҳ,

Деди “Ё Ҳамза, айтай эмди санго,

Шикору сайди саҳролар на даркор,

Муҳаммадға бугун бердилар озор”.

Тағайнор тобти бу сўздин ўшал эр,

Мажоли бўлмади ўзга сухан *деп* [3, 151].

Лекин бу ерда эллиптик ҳодисаларнинг апокопа тури қўлланилган. Яъни “Мажоли бўлмади ўзга сухан дерга (дейишга)” дейилиши керак бўлган ўринда дер шаклида гапни қисқароқ қилишга тўғри келган. Яна айтиш мумкинки, қофия

бўлиши таъминланиши билан бирга, вазн талабини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

Агар ул кунда Рустам бўлса зинда,  
Амир Ҳамза ила учраса анда.  
Йиқур эрди, бас, у ёну бу ёндин,  
Урарди келса ҳар ким ҳар қаёндин.  
Амир ул кун қурайшийлар тарафдин,  
Тилар эрди мубориз: “Бери келгин”.  
Ани майдониға келмас эди мард,  
Кўрунмас эрди тоғлар кўзиға *гард* [3, 168].

Бу ерда ҳам эллиптик ҳодисаларнинг мазкур тури бўлган апокопа қўлланилган. Яъни “Кўрунмас эрди тоғлар кўзиға гардчалик” тарзида бўлиши керак бўлган ўринда адиб Собир Сайқалий “Кўрунмас эрди тоғлар кўзиға гард” дея қисқа жумлалар қилишга эҳтиёж сезганлиги намоён бўлиб турибди.

Апокопа (юнонча. кесиб ташланган) – сўз охирида бир ёки бир нечта товушларнинг йўқолиши, унинг маъносига зиён етказмасдан сўзни қисқартириш деган маънода келади [2, 45].

Эллиптик ҳодисаларнинг эпик асарларда учраб туриши ижодкорнинг шунчаки ўтказган экспериментлари эмас, балки аруз қоидалари билан боғлиқ жиҳатлар, янаям аниқроғи, такрорларга йўл қўймаслик оқибатида ҳам шундай стилистик фигураларга вақти-вақти билан ўрин берилиши жуда ўринли деб ўйлаймиз.

Деюрларким, Али ул шери нар, бас-  
Ки, олди Наҳравон отлиғ шаҳар, бас.  
Деди: “Кимдур борибон Куфа сори,  
Хабар бергай бу *хушлиқни* бори?” [3, 313-314].

Синкопа (юнонча. қисқариш) – лингвистик атама сифатида сўзнинг ўртасида товушнинг йўқолишини англатади [2, 267]

Синкопа сўзнинг ўртасида товушнинг йўқолишини англатса, “Равзат уш-шухадо” асарида хушхабар сўзи ўрнида хушлиқ сўзи келмоқда. Бу ерда икки жиҳатдан шундай сўз қўллашни тақозо этмоқда.

1. Аруз қоидасига кўра ҳижолар сонининг кўпайиб кетмаслиги назарда тутилиб, мазкур сўз қўлланган.

2. “Хабар бергай бу хушхабарни бори” дея тавтологияга йўл қўймаслик учун ҳам “бу хушхабарни бори” эмас, “бу хушлиқни бори” дея пухта ўйланган поэтик мушоҳада қилинган бўлса не ажаб.

Демак, эллиптик-поэтик фигураларнинг бошқа турларини ишлатишга эҳтиёж сезган Сайқалий мазкур ўринда синкопадан моҳирона фойдаланганини кўришимиз мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, ҳаётига мазмун-маъно олиб кириш ҳақида ўйлайди. Ҳаёт эса бир текис кечмайди. Турмуш йўлларида турли-туман қийинчиликларга дуч келади ва уларни бартараф қилиш йўлларини ўйлайди. Шу жараёнда ҳаётдан завқ ола билишни ҳам эсдан чиқармайди. Завқланиб яшаш омиллари, янаям тўғрироғи, воситалари турли-тумандир. Шулардан бири адабиёт бўладиган бўлса, бу сирли-сеҳрли восита кишилик тарихида жуда бебаҳо саналган. Мазкур бебаҳо воситани доимо янгилаб туришни ва, шунинг баробарида, ўзининг кўнгил кўйларига янги оҳанглар олиб киришни жуда истайди бу инсон. Демак, адабиётдаги бадиий тасвир воситалари унинг ана нажиб ҳолатларига доимо малҳам бўлиб келган.

### **ХУЛОСА**

Биз ҳозир ана шу воситалардан бир нечасини бир бутунликда текширган эканмиз, бу ҳам ўз-ўзидан яралиб қолмаган. Шунинг баробарида, ижодкор асарда ана шундай бадиий тасвир ва ифода воситаларини яратаётганини ўзи ҳам сезмаган бўлиши мумкин. Эллипсис, апокопа, синкопа сингари бадиий тасвир воситалари Сайқалийнинг ҳаёлидан ҳам ўтмаганлиги аниқ. Лекин бадиият ҳодисалари барча халқларда ўхшаш ва айнан ҳодисалар бўлиб ҳам чиқиши мумкин. Масалан, “Алпомиш” достони билан Гомернинг “Илиада” дostonларининг жуда ўхшаш бўлган сайёр сюжетлари шулар жумласидан. Поэтик ҳодисалар ҳам худди шу сингари кечимлардан иборат.

### **REFERENCES**

1. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. (2010). Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр.
2. Квятковский А. (1966). Поэтический словарь (Научный редактор: И.Роднянская). – М.: Изд-во “Советская энциклопедия”.
3. С.Сайфуллоҳ, Д.Хунзикар (2004.) Собир Сайқалий Ҳисорий. Равзат уш-шуҳадо. // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари С.Сайфуллоҳ, Д.Хунзикар. – Т.: Мовароуннаҳр.
4. Квятковский А. (1966). Поэтический словарь (Научный редактор: И.Роднянская). – М.: Изд-во “Советская энциклопедия”.

5. Xolbekov S. (2020). Педагогик таълим инновацион кластерини ривожлантиришда реминисценция ходисасининг ўрни. *Science and education. Scientific journal*. Volume 1, Special issue 3, November (ISSN 2181-0842)
6. Xolbekov S. B. (2013). Дифференциация художественно-изобразительных средств. // Международный молодежный научный форум “Ломоносов-2013” “Востоковедение и алтаистика”. – Москва, 9–12 апреля.
7. Xolbekov S. B. (2020). Соображения о новом художественно-изобразительном средстве / Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №6 (сентябрь).
8. Xolbekov S. B. (2020). Тажнис санъати интерактив ўқитиш воситаси сифатида. / *Science and education. Scientific journal*. Volume 1, Issue 7, October (ISSN 2181-0842).
9. Xolbekov, S. B. (2020). Adabiyot darslarida ijodkor tarjimaiholini o‘rgatish xususida. *Science and Education, 1* (Special Issue 2).